ТОЛА ХОРИЖГА ЖЎНАТИЛМОҚДА

Бухорода жаҳон андозалари талабига жавоб бера оладиган тола хорижга жўнатиб турилибди. "Биз асосан толани Корея, Нидерландия, Швейцарияга ўхшаш ўнлаб мамлакатларга юборяпмиз, — дейди "Бухоропахтасаноатсотиш" бирлашмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Мурод Умаров. — Бугунгача 30 минг тонна тола хорижий шерикларга етказиб берилди. Йил охиригача яна 10 минг тонна тола жўнатилади".

Даврон БАҲРОНОВ.

ЙОДЛАНГАН НОН

Қўқондаги озиқ-овқат дўконларида ярим килоли нонлар пайдо бўлди. "Қўқоннон" ҳиссадорлик бирлашмаси новвойхоналарида тайёрланаётган бу маҳсулотларга йод қўшилган. Аввалларида бу минтақадаги сувларда йод моддаси етишмас эди. Энди эса бундай нонлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши турган гап.

Алишер ИБОДИНОВ.

"АЛЛО, СИЗНИ ЯХШИ ЭШИТЯПМАН".

Наманганда телефон алоқаси яхшиланди. Жаҳонга машҳур "Алкатель" фирмаси орқали шаҳар алоқасига янги тизимнинг кириб келиши хизмат сифатини оширди. Ҳозир бу ерда туриб, узоқ хориж билан ҳам қўшнидай гаплашавериш мумкин.

Яқинда вилоят давлат электр алоқа ишлаб чиқариш корхонаси негизида "Наманган-телеком" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти тузилди. Мулкий жиҳатдан мустақил бўлган жамият вилоятда телефон-телеграф алоқасини жаҳон андозаларига тенглаштириш имкониятини беради.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИ

Жиззах педагог ходимлар малакасини ошириш олийгоҳида "Ўқитувчи-97" кўрик-танлови ўтказилди. Вилоятнинг ўзига хос энг яхши ўқитувчисини белгилашда шаҳар ва туман танловларининг ғолиблари иштирок этишди. Уч кун мобайнида ўқитувчиларнинг билими, дунёқараши, маданияти ҳар жиҳатдан синовдан ўтказилди. Жиззахдаги Ш. Рашидов номли 10-мактабнинг ўзбек тили адабиёти ўқитувчиси Раҳима Ҳакимова танлов ғолиби деб топилди.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 25 декабрь, пайшанба № 151 (22.234).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. И. Муҳитдиновни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири лавозимидан озод қилиш тўғрисида

Азимжон Исмоилович Муҳитдинов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири лавозимидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабековни Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Ҳакимович Жўрабеков Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ РАИСИНИНГ ВА ВИЛОЯТЛАР ҲОКИМЛАРИНИНГ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРЛАРИ ЛАВОЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида маҳаллий ҳокимият органларининг тутган ўрни ва масъулиятини кучайтириш мақсадида

Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар кенгаши тузилмасига қўшимча равишда вазирлар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, вилоят ҳокимликларида эса вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари — вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи лавозими жорий этилиб, Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар кенгаши раисининг ҳамда вилоят ҳокимларининг агросаноат мажмуи масалалари бўйича ўринбосарлари, шунингдек қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи лавозимлари бекор қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 17 июндаги 301-сонли «Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига тегишли ўзгартишлар киритилсин.

Вазирлар Маҳкамаси Раиси И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 декабр.

Бугун ушбу бинода биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўнинчи сессияси ўз ишини бошлайди.

Шавкат АКРОМОВ ва Владимир ПАНОВ олган суратлар.

ВАТАН ХАРИТАСИ

Туркистон миниатюра мактабининг асосчиси, буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод бетакрор ижодий меросини халқимизга тўла етказиш, ёш авлодни халқимиз маданияти тарихи билан ғурурланиш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга зарур шарт-шароит яратиш ҳамда буюк мусаввир таваллудининг 545 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

***

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, дам олиш куни 1998 йил 4 январь якшанбадан 2 январь жумага кўчирилди.

***

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби амирлиги Савдосаноат палатаси фахрий президенти шайх Султон бин Халифа бин Зоид ал-Наҳаян раҳбарлигидаги делегация аъзолари республика Бош вазири ўринбосари Б. Ҳамидов билан учрашиб, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан Абу-Даби амирлиги Савдосаноат палатаси ўртасида ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида протокол имзоладилар.

***

Гулистон шаҳрида яшовчи Бахтиёр Ўролов хонадонида қувончли воқеа содир бўлди. Унинг турмуш ўртоғи Нигорахон уч эгизакни дунёга келтириб, оилага шодонлик бахш этди. Фотима, Зуҳра ва Заҳролар ҳозир соғ-омон улғайишмоқда.

***

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Аёл ва ҳуқуқ» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

***

Кўп болали ва камҳарж оилаларга, болаларга хайрия юклари ортилган автопоезд Тошкентдан Оролбўйи минтақаларидан бири — Бухоро вилоятига борди.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 25 декабрь куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги биносининг Мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 25 декабрь куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги биноси Мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Ливан жанубидаги «хавфсизлик зонаси»да портлаб кетган минадан бешта исроиллик ҳарбий хизматчи ярадор бўлишди.

* * *

Расмий Бағдодда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хавфсизлик кенгашининг баёнотини Ироққа қарши қилинаётган ҳаракат деб баҳолади. Бунда биринчи навбатда Қўшма Штатлар айбдор эканлигини таъкидлади.

* * *

Халқаро валюта фонди Озарбойжонга 1998 йил ҳисобидан 22 миллион доллар ҳажмидаги дастлабки қарзни берди.

* * *

АҚШ Президенти Билл Клинтон 1998 йилда расмий ташриф билан Россияга келади.

* * *

Милан Милутинович расмий равишда беш йил муддатга Сербия Президенти деб эълон қилинди.

* * *

ГФР мудофаа вазирлиги Атлантика океанида ҳалокатга учраган Германия ҳарбий транспорт самолётини қидиришни тўхтатиш ҳақида буйруқ берди.

* * *

Швеция ҳукумати ушбу мамлакат дипломатини гаровдан қутқариш пайтида ҳалок бўлган полковник Анатолий Савельевнинг оиласига 500 минг швеция кронни бериш ҳақида қарор қабул қилди.

* * *

Литва Президенти мамлакат раҳбари лавозимига бўлиб ўтаётган сайловларнинг дастлабки босқичи натижаларини ижобий баҳолади.

* * *

Германия канцлери Гельмут Колль ва мудофаа вазири Фолькер Рюе ташриф билан Сараевога йўл олишди.

* * *

Лахор шаҳри суди Покистоннинг собиқ бош вазири Беназир Бхутто оиласига дунёдаги ҳар қандай мамлакатдаги банклардаги ўз ҳисобидан фойдаланиш ҳуқуқини ман этди.

* * *

Хельсинки шаҳри раҳбарлари 2006 йилдаги қишки олимпиада мусобақаларини бир вақтнинг ўзида Финляндия ва Норвегияда ўтказиш ҳақидаги ғояни қўллаб-қувватлади.

* * *

Эркакларни сочи тўкилишидан асровчи «Пропеция» деб номланган янги дори АҚШда расмий равишда қўллаб-қувватланди.

* * *

Мехикода полиция куни нишонланаётган пайтда инкассаторлар машинаси талон-торож қилинди. Ўғрилар 3 миллион доллар пулни гумдон қилишди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси X сессияси олдидан

ҚОНУНЛАР — ТУБ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

— таъкидланди, мамлакатимиз парламентидаги ХДП фракциясининг 23 декабрь куни бўлиб ўтган мажлисида.

Унда, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси X сессияси муносабати билан, партиядан сайланган депутатларга тавсиялар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан фракция раиси А. Жалолов маъруза қилди. Шунингдек, йиғилишда сессияда кўриб чиқиш учун киритилаётган 1998 йил Давлат бюджети лойиҳаси бўйича республика молия вазири Ж. Сайфуддиновнинг ахбороти тинглади.

Маърузачи ва музокарада сўзга чиққан С. Усмонов (221-округ), Ғ. Машарипов (213-округ), М. Ашуров (19-округ), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиевалар сессия кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалаларнинг долзарблиги, инсон манфаатларига, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадларига жавоб беришлиги ҳамда уларнинг партия дастурий ғояларига ҳамоҳанглиги тўғрисида гапирдилар. Жорий йил — Инсон манфаатлари йили. Келгуси йил, республикамиз Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан, Оила йили, деб эълон қилинди. Халқ тўғрисида бундай ғамхўрлик қилиш — мустақил давлатимиз учун ўта муҳим ва, айни пайтда, табиий ҳолдир.

Мажлисда парламент навбатдаги сессиясида кўриб чиқилиши мўлжалланаётган, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилишга даъват этилган, масалалар юзасидан Ўзбекистон ХДП фракциясининг муштарак нуқтаи назари ишлаб чиқилди. Фракция аъзоларига депутатларимизнинг сессия кун тартибига киритилиши таклиф қилинган қонунлар, кодекслар, қарорлар лойиҳаларини, асосан, қўллаб-қувватлаш, ҳужжатларнинг сессиядаги муҳокамасида мажлисда ишлаб чиқилган нуқтаи назарни изчил ҳимоя қилиш тавсия этилди. Бунда кўплаб ҳужжатлар лойиҳаларига доир фракция таклифлари Олий Мажлис Котибиятига олдиндан етказилганлиги ҳам инобатга олинди.

Шунингдек, фракция йиғилишида 191-Дангара сайлов округидан Олий Мажлисга сайланган Р. Курбоновнинг депутатлик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Фракция мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д. Ғуломова ва Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А. Аҳадов иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Партия ҳаёти

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

1997 йил 23 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда МК Сиёсий ижроқўмининг республика Олий Мажлиси X сессияси олдидан партия депутатлар фракциясига тавсиялари ишлаб чиқилди.

Сиёсий ижроқўм 1998 йил мамлакатимизда Оила йили, деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон ХДП ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилади ҳамда партия ички ҳаётига доир қатор бошқа масалаларни муҳокама этди. Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Дунё парламентида нима гап?

МАОШ — ЙИҒИНДА ҚАТНАШГАНЛАРГА

Эквадорда фақат парламент йиғинларида қатнашган депутатларгагина маош тўланади. Бу усулни ушбу юқори орган раиси Э. Бонилья жорий этган.

Унинг таклифи бўйича, касаллик сабабли йиғинда қатнашолмаган депутатларнигина кечириш мумкин, ўшандаям тиббиёт ходимлари ёзиб берган маълумотномага асосланиб. Бошқа «узрли» сабаблар эса инобатга олинмайди.

ЧАҚАЛОҚ УЧУН КЎЧАТ

Италия парламенти ўзига хос қонуни билан ўзга давлат парламентларидан ажралиб туради. Улар ишлаб чиққан қонунга кўра, оилада фарзанд туғилиши билан ёки чақалоқ туғилган йилнинг 12 ойи давомида 1 туп дарахт ўтказилиши шарт ва бу албатта маъмурият рўйхатидан ўтказилиши керак. Экилган ҳар бир туп дарахт шу қонун бўйича муҳофаза қилинади, яъни дарахт каттаргач, кесиш у ёкда турсин, ҳатто бошқа жойга кўчириш ҳам таъқиқланади.

КИТОБ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Канада парламенти китоб ўғрилари учун алоҳида қонун қабул қилган. Унга кўра, бирор киши кутубхонадан китоб олиб, ўз вақтида қайтармаса катта миқдорда жарима тўлайди. Шундан кейин ҳам китоб кутубхонага қайтарилмаса, «ўғри» икки ой озодликдан маҳрум этилади.

СИЁСАТДАН ГАП ОЧМАНГ

Сиёсат тўғрисида қаерларда кўп гапирилади, деган саволга кенияликлар «қаҳвахона ва пивохоналарда» деб жавоб беришади. Бироқ Кениянинг Накуру шаҳри аҳолиси бундай жойларда сиёсатдонлик қилишдан маҳрум бўлишган, яъни таъқиқланади.

Мазкур шаҳар парламенти депутати Жозеф Курианинг таъкидлашича, бундай жойлар сиёсий баҳслар учун ҳар қалай яхши макон эмас, чунки сархуш одам онгига ҳар қандай сиёсат ҳам акс таъсир кўрсатаркан.

Дунё парламентида нима гап?

ҚОНУН — ИЖРОСИ БИЛАН ҚАДРЛИ!

Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси раиси Абдулҳафиз Жалоловнинг фракция йиғилишидаги (1997 йил 23 декабрь) маърузаси

Олий Мажлиснинг ўнинчи сессияси янги, 1998 йил арафасида бўлиб ўтади. Унда мамлакатимиз ривожланишининг яна бир йилига якун ясалади, келаси йил вазифалари белгиланади, ислоҳотларга хизмат этувчи қонунлар қабул қилинади.

Ортда қолган йилда халқимиз, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигида, туб ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи вазифаларини бажариш устида самарали меҳнат қилди. Натижада, мамлакатимиз иқтисодиётида юксалиш томон бурилиш содир бўлди. Республикамизнинг ёнилғи-энергетика соҳасидаги мустақиллиги таъминланди, дон мустақиллигига эришиш учун замин яратилди. Инсон манфаатлари йилида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш масалаларига эътибор кучайди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбати, кўплаб кичик ва ўрта, хусусий ва қўшма корхоналар ишга туширилиб, маҳсулот бера бошлади. Миллий маънавиятимизни шакллантириш борасида жиддий қадамлар қўйилди. Давлатимизнинг Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш, ядросиз ҳудудни бунёд этиш, ягона иқтисодий маконни вужудга келтиришга доир ташаббусларини жаҳон жамоатчилиги қўллаб-қувватламоқда.

Ушбу ютуқларда халқимизнинг ярим миллионга яқин муносиб фарзандларини ўз сафларида бирлаштирган Ўзбекистон ХДПнинг ва ундан сайланган депутатларнинг ҳам ҳиссаси бор. Бироқ, қилинмаган ишлар, ислоҳотларни амалга оширишда камчилик ва муаммолар борлигини унутмаслик керак. Олий Мажлис навбатдаги сессияси, моҳиятан, ушбу қийинчиликларни бартараф этиш, туб ўзгаришларнинг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашга хизмат қилишга даъват этилган.

Сессияда қабул қилинадиган қонунларнинг пишиқ-пухта ва мукаммал бўлишига эришиш ишига биз ҳам ўз улушимизни қўшишимиз, уларнинг ҳар бири тўғрисида фракциямизнинг ягона нуқтаи назарини ишлаб чиқишимиз керак.

Парламентимиз ўнинчи сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар сизларга маълум. Биз Олий Мажлис Кенгашининг шу ҳақдаги қарорини олишимиз билан, фракциянинг махсус ишчи гуруҳини тузиб, унинг ишига депутатлар, олимлар, мутахассислар, жамоат ташкилотлари вакилларини жалб этдик. Улар томонидан ҳамда маҳаллий партия кенгашлари йўллаган фикр-мулоҳазалар Олий Мажлис Котибиятига юборган таклифларимизда ўз аксини топди. Уларнинг айримларига диққатингизни тортмоқчиман.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида. Ушбу масалага устувор эътибор берилмоқда. Чунки, мамлакатда **ижтимоий-сиёсий осойишталикнинг мустаҳкамланиши, унинг барқарор иқтисодий, хусусан, ижтимоий ривожи,** муҳим давлат дастурлари, чунончи, **«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»** ва 1998 йилни Оила йили, деб эълон қилиниши билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишни молиявий таъминлаш 1998 йилги Давлат бюджетининг қандай бўлишлигига, кўп жиҳатдан, боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан олинганда, бюджет лойиҳаси мамлакатимиз тараққиёти ҳозирги босқичи талаб ва хусусиятларини ҳисобга олиб тузилган. У иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги асосий омил-макроиқтисодий кўрсаткичларга мувофиқ тайёрланган ва ислоҳотларни молиявий таъминлаш вазифасига бўйсундирилган. Ва, энг муҳими, унда ижтимоий соҳа — халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимларини ривожлантириш, кам таъминланган оилаларга моддий мадад кўрсатиш, халқ фаровонлигини ошириш масалаларига катта эътибор берилган.

Бюджет лойиҳасининг яна бир ижобий томони шундаки, унда даромад ва харажатларнинг мувозанатини, меъёрий даражаларда, таъминлашга эришилган. Натижада, бюджет танқислиги, мақсадли фондларнинг даромад ва харажатларини ҳисобга олмаганда — 3,1 фоиз даражасида, мақсадли фондларни ҳисобга олганда — 2,3 фоизга яқин этиб белгиланган. БУ — жуда яхши, жаҳон андозаларига жавоб беради, ҳисобланган тўлов интизомини мустаҳкамлашга эришиш зарур.

Шулар асосида, биз, 1998 йилга Давлат бюджети лойиҳасини, асосан, маъқулласак ва Олий Мажлиснинг барча депутатларини уни қабул қилишга даъват этсак, ўйлаймизки, бу жуда тўғри бўлади.

Бироқ, ҳар қандай ҳужжат, ўзининг қабул қилиниши билан эмас, балки, ижроси билан қадрлидир. Шу боис, Давлат бюджетининг, унинг лойиҳаси кенг муҳокама этилгандан сўнг, самарали ижросини таъминлашга хизмат қила олиши мумкин бўлган чора-тадбирлар хусусидаги қуйидаги фикр-мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Фикримизча, давлат тасарруфидаги ва давлат — акциядорлик жамиятлари, аралаш мулк шаклидаги саноат, қурилиш ва иқтисодиётнинг бошқа шўъбаларига қарашли корхоналарнинг соф фойдасидан Давлат бюджетига ажратмалари ёки, ушбу корхоналар ночор иқтисодий аҳволга тушган бўлсалар, уларни соғломлаштириш учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар миқдорини аниқ белгилаш муҳимдир.

Таклиф этилаётган Давлат бюджети лойиҳаси унда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилган маблағларнинг сезиларли даражада оширилиши кўзда тутилганлиги билан таҳсинга сазовордир. Шу билан бир қаторда, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими тизимлари тармоқларининг анча мураккаб аҳволдалиги ҳамда уларда мавжуд вазиятни ўзгартиришга бизда жиддий эътибор берилаётганлиги маълум. Бундай шароитда, бюджет харажатлари учдан бир қисмининг ушбу соҳаларга йўналтирилишининг мўлжалланган ижтимоий дастурларни тўлиқ бажарилишини таъминлаши жуда муҳимдир. Шу муносабат билан, «Кадрларни тайёрлаш миллий дастури»ни молиявий таъминлашни алоҳида диққат-эътибор марказида тутиш мақсадга мувофиқ бўлади.

1998 йилни Оила йили, деб эълон қилиниши билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш ҳам етарли миқдорда маблағ ажратилишини талаб этади. Оила жамият фаровонлигининг ўта муҳим кўрсаткичидир. Давлат фаровонлигини таъминлаш, энг аввало, ҳар бир оила фаровонлигига эришишдан бошланади. Шунинг учун, келгуси йилда, ҳар бир оиланинг даромадларини чинакам ўстиришда, унинг моддий ва маънавий фаровонлигини оширишни таъминлашда мазкур мақсадларга йўналтирилган маблағлардан унумли фойдаланишнинг самарали чораларини кўриш муҳим аҳамият касб этади.

Давлат бюджетининг тўла бажарилиши, биринчи навбатда, унинг даромадлар қисмининг етарли даражада тўлдирилишига, бу эса, ўз навбатида, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг шу соҳадаги фаолиятига боғлиқлигини инобатга олиб, фикримизча, бутун мамлакатда ижроия ҳамда тўловлар интизомини мустаҳкамлаш даркор. Шу мақсадда, Олий Мажлиснинг «Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги Давлат бюджети тўғрисида»ги қарорида, республика Вазирлар Маҳкамасига бюджетнинг ижросини таъминлашга қаратилган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда унда, юқоридаги ва бошқа, мазкур иш учун тақозо этилиши мумкин бўлган, барча ташкилий чораларни акс эттириш вазифаси топширилса, айни муддао бўлар эди. Умуман, биз 1998 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ҳамда унинг қабул қилинганидан кейинги изчил ижроси ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи хусусиятларига, мустақил давлатимиз халқи манфаатларига тўла жавоб беради, деб ҳисоблаймиз.

Олий Мажлис ўнинчи сессиясида, биринчи ўқишда, кўрилиши кўзда тутилаётган **«Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси»** лойиҳаси 1998 йилни мамлакатимизда Оила йили, деб эълон қилинишига тўла ҳамоҳангдир. Мазкур ҳужжат 1969 йилда қабул қилинган «Никоҳ ва оила кодекси»дан кескин фарқ қилади. Унда ҳозирги давр ва шароит талабларига жавоб берувчи янги меъёрларни, шунингдек, халқимизнинг миллий анъана ҳамда қадриятлари назарга олинганлиги яққол кўзга ташланади.

Шу билан бирга, «Оила кодекси» лойиҳасини ҳали мукаммал, деб бўлмайди. У жиддий таҳрирга муҳтож. Унинг бир қатор моддалари аниқ ва лўнда қилиб ёзилмаган, талай иборалар барчага тушунарли сўзлар билан ифодаланмаган. Лойиҳадаги баъзи моддалар (2—8, 6—7 ва бошқалар)нинг таркибий жойланиши, уларнинг бир-бирига мутаносиб боғланиши таъминланмаган ва ҳоказолар. Хуллас, келгуси сессияда, иккинчи ўқишда, қабул қилинадиган ушбу Кодекс лойиҳаси устида анча ишлаш талаб этилади. Бу иш жараёнида оиланинг жисмоний ва маънавий баркамоллиги, унинг давлат ва жамият олдидаги масъулиятини янада ошириш, ёш оилаларнинг мустаҳкам ва зурриётларнинг соғлом бўлишини таъминлаш мақсадларида келин-куёвларнинг никоҳ ёшини қатъий белгилаш ҳамда никоҳдан ўтувчи шахсларни мажбуран тиббий кўрикдан ўтказиш каби қоидаларнинг Лойиҳага киритилиши тўғрисидаги масалалар ўйлаб кўришга арзийди.

Ўнинчи сессияда **«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси** иккинчи ўқишда кўриб чиқилади. Умумхалқ муҳокамасидан ўтган ушбу Қонуннинг қабул қилиниши, матбуотни, мамлакатимиз йўлбошчиси таъкидлаганидек, тўртинчи ҳокимият даражасига кўтариш томон қўйилган муҳим қадам бўлади. Лойиҳанинг ҳозирги кўриниши, умуман, талабга жавоб беришини қайд қилиш билан бир қаторда, унга баъзи ўзгартиришлар киритилса, у янада мукаммалроқ бўлишига аминмиз. Масалан, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ахборотларнинг тўғрилиги учун нафақат ушбу нашрлар таҳририятлари (2-модда, 3-хатбоши), балки, муаллифларнинг ҳам жавобгар бўлишларини Қонунда кўрсатиш, 25-моддани 5-хатбошисидан кейин холис танқидий ашёларни чиқаришга тўсқинлик қилган шахсларни, қонунда белгиланган тартибда, жавобгарликка тортиш ҳақидаги қоидалар ва бошқа тузатишларни таклиф этамиз.

Сессия муҳокамасига **«Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси,** биринчи ўқишда, киритилмоқда. Ушбу қонун, у қабул қилинган тақдирда, биринчи марта, мазкур комиссиянинг ҳуқуқий мақоми ва ваколатларини, унинг фаолиятининг асосий тамойилларини белгилаши билан аҳамиятлидир. Тақдим этилган лойиҳани ижобий баҳолаш билан бирга, унга айрим тузатиш ва қўшимчалар киритилиши тарафдоримиз. Жумладан, Қонун лойиҳасининг 1-моддасидаги биринчи хатбошини қуйидаги таҳрирда, **«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси доимий тарзда фаолият кўрсатувчи давлат органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг ягона сайлов тизимини бошқаради»,** деб бериш; ягона сайлов тизими тушунчаси нафақат республика миқёсидаги, балки, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларига ўтказиладиган сайловларни ҳам кўзда тутишини инобатга олиб, Марказий сайлов комиссияси ваколатларини белгиловчи 5-моддани **Халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини назорат қилади»,** деган жумла билан тўлдириш, шунингдек, мазкур комиссиянинг ваколат муддатини аниқ белгилаш маъқул ва бошқалар.

Сессия кун тартибига киритилиши мўлжалланган бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан ҳам шунга ўхшаш аниқ таклифларимиз бўлиб, биз уларни Олий Мажлис Котибиятига вақтида етказиб берганмиз ва улар инобатга олинадилар, деб умид қиламиз.

Хуллас, мамлакатимиз парламенти ўнинчи сессиясида қабул қилинадиган қонун ҳужжатларининг республикамизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар тақдири учун катта аҳамияти шубҳасиз. Сессияга ҳар томонлама, пухта тайёргарлик кўрилди ва бу ишда партиямиздан сайланган депутатлар фаол иштирок этдилар.

Шулардан келиб чиқиб, Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми, ўзининг шу бугун бўлиб ўтган мажлисида, Олий Мажлис ўнинчи сессиясининг таклиф этилаётган кун тартиби ва унда қабул қилинажак қонунлар лойиҳасини, асосан, қўллаб-қувватлашни фракциямиз аъзоларига тавсия этди.

Биз барча депутатларимизнинг ушбу фикрга қўшилиб, Олий Мажлис ўнинчи сессияси ишининг самарали бўлишига ҳисса қўшишларига ишонамиз.

* *Маърузанинг қисқача баёни эълон қилинмоқда.*

Менда **таклиф** *бор*

ХИЗМАТ МАДАНИЯТИ ЯХШИЛАНАРДИ

Истиқлол йиллари бозорлар ҳар қачонгидан ободонлашиб замонавий тус олди. Тошкентдаги «Чорсу», «Олой», «Миробод», «Сирғали» ва «Қўйлиқ» бозорлари дилтортар масканлардан. Харидор бозорларда истаган нарсасини топади. Уларга яратилаётган шароит ва қулайликлар ҳам етарли. Бозорлар хўжалиги ҳам замон талаблари даражасида. Тушум ҳам шунга яраша. Бозорлар бошқарувнинг ҳиссадорлик жамиятига айлангани ҳам шундан. Зеро, харидорларга кўрсатилаётган хизматдан бироз кўнгил тўлмайди.

Гап хизмат маданияти даражасининг ошириш ҳақида бораяпти. Маълумки, бозорга тушганимизда харид қилинган молларимизнинг оғирини енгил қиламан, деб турган ўзига хос хизматчилар бисёр. Улар ўзларининг бир, икки, ҳатто тўрт ғилдиракли аравачаларини судраб юрадилар. Хўш, қачонгача уларнинг «пош-пош» деб ғилдираклари-ни ғижиллатиб юришларига тоқат қилишимиз керак. Яна, бекатгача бўлган икки қадам йўлга 200 сўм сўрашади. Наҳотки бундай даромад манбаини умумбозорлар фойдасига йўналтириб бўлмаса. Ахир, вокзал ва тайёрагоҳлардаги минитранспорт воситалари — электр қуввати билан ҳаракатга келувчи автокарлар туркумидаги техника воситаларидан фойдаланишнинг иложи йўқмикан? Агар шундай қилинса, ўйлайманки, бозорларимизда харидорларга хизмат кўрсатиш маданияти яхшиланиб, жаҳон андозаларига мослашарди.

Отабек ХУДОЙҚУЛОВ.

Хатлар, **хатлар,** *хатлар*

МЕҲРИ ДАРЁ КИШИЛАР

Бир куни ногиронлар учун чиқарилган аравачамга ўтириб, укам ҳамроҳлигида туман ҳокимлигига бордим. Мендай кўнгли ярим инсонга, икки нафар фарзандим билан эмин-эркин яшашим учун алоҳида квартира бериш тўғрисида ёрдам сўрадим.

Туман ҳокими Ўринбой ака Қўлдошев Инсон манфаатлари йилида албатта ёрдам беражакларини айтдилар. Уларнинг кўмагида Тошкентга бориб, марказий шифохоналарда даволаниб қайтдим. Аҳволим нисбатан яхшилангандай сездим ўзимни.

Яқинда эса ҳаётимда бир умр эсимдан чиқмайдиган қувончли воқеа юз берди. Шаҳар марказидан икки хонали шинам, ҳамма қулайликларга эга бўлган уйнинг калитини тутқаздилар. Фарзандларим билан биринчи қаватда жойлашган, ихчамгина ҳовлиси ҳам бўлган янги уйга кўчиб ўтдик.

Бундай ғамхўрлик ва эътибордан бошим кўкка етди! Саккиз йилдан кўпроқ вақт давомида алоҳида бошпанасиз қийналганларимиз унут бўлди. Атрофимда меҳри дарё, мен каби кўнгли ўксик инсонлардан ёрдамини аямайдиган кишилар борлигини ҳис қилиб, юртимга бўлган меҳрим янада ошди!

Малика ҒАЙБУЛЛАЕВА,
Жиззах вилояти, Дўстлик тумани.
Биринчи гуруҳ ногирони.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

ЧОРА КЎРИЛДИ

Таҳририятимизга Андижон вилояти Балиқчи тумани «Ғалаба» жамоа хўжалигида яшовчи бир гуруҳ газетхонлар шикоят ёзиб, унда газдан қийналишаётгани, газ бошлиқларидан тўғри жавоб ололмаганликларидан арз қилганлар. Бу шикоят хати Андижон вилояти ҳокимлигига юборилган эди. Вилоят ҳокимлигидан олинган жавобда шундай дейилади:

Вилоят ҳокимлиги Балиқчи тумани «Ғалаба» жамоа хўжалигида яшовчи бир гуруҳ газетхонларнинг ёзган талабномаларини туман ҳокимлиги билан биргаликда ўрганиб чиқди. Вилоятимизнинг бошқа туманларида бўлганидек, Балиқчи туманида ҳам қиш мавсумида магистрал газ тармоқларида босимнинг пасайиб кетиши натижасида газ тармоқларининг охирида жойлашган аҳолини табиий газ билан нормал таъминлашнинг имконияти бўлмаяпти.

Шу ҳолат Балиқчи туманидаги «Ғалаба» ва «Улуғбек» жамоа хўжаликларида ҳам кузатилмоқда.

Ушбу масала масъул раҳбарлар иштирокида муҳокама қилиниб, газ таъминотини яхшилаш тадбирлари белгиланди. Жумладан «Андижонгаз» бошқармаси юқори босимли 2 километрли тармоқни катта диаметрли қувурга алмаштиришни амалга оширмоқда. «Улуғбек» жамоа хўжалигига ўрта босимли газ тармоғини катта диаметрли қувурга алмаштириш тавсия этилди.

Балиқчи туманида, шу жумладан юқоридаги ҳудудда ноқонуний газлашган идора ва корхоналар тармоқдан узилди. Туман газлаштириш идораси бошлиғи О. Ҳамдамов ўз вазифасидан озод қилинди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари
Н. МАҚСУМОВ.

ФАРОВОНЛИК ТАМАЛИ

Депутат ва ҳаёт

Олий Мажлис X сессияси арафасида мухбирларимиз парламент аъзоси, Олий Мажлис қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги қўмитаси раисининг ўринбосари, «Ўзкоммунмаштаъминот» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Ортиқ МАНСУРОВ билан учрашиб, анжуман муҳокамасига киритилган масалалар юзасидан бир қатор саволлар бердилар.

— Маълумки, Олий Мажлис ўнинчи сессияси кун тартибига еттита масала киритилган. Сизнингча, улардан қайси бири энг аҳамиятли ва муҳим?

— Менимча, у ёки бу масаланинг сессия кун тартибига киритилишининг ўзиёқ ўша масаланинг ўта муҳимлигидан, мамлакатимизнинг олий қонунчилик органи эътиборига лойиқлигидан далолат беради. Ҳозирги сессия муҳокамасига қўйилаётган масалалар ҳам бундан истисно эмас.

Касбий манфаат юзасидан айтишим мумкинки, ушбу сессияда мамлакатимиз давлат бюджетининг муҳокама этилиши ва қабул қилиниши қўйилган масалаларнинг энг долзарбидир. Чунки бу масала республикамиздаги ҳар бир корхона ва идорага, қўйингки, ҳар бир кишига дахлдордир. Ахир бюджет ва унинг даромад қисмининг қандай бўлиши, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжлари, мамлакат иқтисодий потенциалининг ривожи, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларга қанча маблағ ажратилиши ҳар бир оиланинг, қолаверса ҳар бир инсоннинг фаровон яшашига ўз таъсирини кўрсатади-да.

Шу боисдан Олий Мажлис депутатлари бюджетнинг ҳар бир бобини, гарчи у парламентимизнинг тегишли комитет ва комиссиялари чиғириғидан ўтказилган бўлса-да, ғоят масъулият билан муҳокама этадилар.

— Дарвоқе, бюджетнинг даромад қисми ҳақида тўхталдингиз. Билишимча, у энг аввало, уни тўлдирувчиларга, яъни корхоналар, фирмалар, деҳқон хўжаликлари, тижорат тузилмалари, ҳар бир меҳнат жамоасига бевосита боғлиқ. Шундай эмасми?

— Тўғри айтдингиз. Бироқ шу саволингиз замирида ўзингиз раҳбарлик қилаётган бирлашма умумхалқ жамғармасига қандай ҳисса қўшаяпти, деган маъно ҳам бор, чамаси. Шу боисдан айтишим мумкинки, жамоамиз йиллик топшириқни аллақачон уддалаб қўйди. Бирлашма таркибидаги тўқиз корхона ва акциядорлик жамиятлари 463 миллион 790 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Бунга қўшимча қилиб айтсам, бизнинг бирлашма мамлакатда газ аппаратуралари ишлаб чиқарадиган ва етказиб берадиган ягона ташкилот ҳисобланади. Бу эса қишлоқларни газлаштириш дастурини амалга оширишда, меҳнаткашлар учун қулай маиший шароитлар яратишда муҳим роль ўйнайди.

— Булар сизнинг ишлаб чиқаришдаги фаолиятингизга оид гаплар. Энди депутат сифатида нима ишлар қилаётганингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз. Сайловчиларингиз илтимосига биноан ҳам юмушлар бажардингизми?

— Бўлмасам-чи! Мана энг янги мисол...

Ортиқ Маҳмудович бир даста хатлар орасидан бирини бизга узатди. Унда кўрлар жамиятига қарашли «Марҳабо» меҳмонхонаси раҳбарияти ногиронларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган автобусни олишда кўрсатилган ёрдам учун миннатдорлик билдирганди.

— Мана сайловчилардан келган яна бир хат. Акмал Икромов туманидаги «Хайратий» маҳалласи аҳли сув таъминотидаги узилишлардан шикоят қилган. «Водоканал» тресті ёрдамида бу муаммо ҳал этилаётир.

— Суҳбатимиз аввалида 1998 йил бюджетининг қандай бўлиши ҳар бир оиланинг фаровонлигига бевосита таъсир кўрсатишини таъқидлаган эдингиз. Зеро, кириб келаётган йил Оила йили деб эълон қилинганини эътиборга олсак, унинг аҳамияти янада чуқурлашади.

— Ҳа, албатта. Бу парламентда кўриладиган масалаларнинг ҳаётий зарурлигини, уларнинг давр талабига чамбарчас боғлиқлигини яна бир карра исботлайди. Давлат бюджети билан оила бюджети ўзаро узвий боғлиқлигини ҳар биримиз ўз мисолимизда кўриб-билиб турибмиз.

Айтгандай, шу сессияда

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси лойиҳаси биринчи марта муҳокама қилинади. Бу ҳам бизнинг мамлакатимизда жамиятнинг асосий ячейкаси, давлатнинг пойдевори бўлмиш оилага жуда катта аҳамият берилаётганидан далолатдир.

Суҳбатни Норбобо ШАКАРОВ ва Владимир ЧЕБОТИН ёзиб олдилар.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Инглиз тили бирлашган Европанинг расмий тили, деб эълон қилинди. Гарчи Европа мамлакатларида немис тилида сўзлашувчилар кўп бўлсада, сўров натижасига кўра инглиз тилини танлашгани маълум бўлди.

* * *

Молдова Президенти Пётр Лучинский бундан буён қишлоқ туманларида электр энергияни ўчириб қўймасликни ҳукумат зиммасига юклади.

* * *

Руминия ташқи ишлар вазири Адриан Северин истеъфога чиқиш ҳақида ариза берди.

* * *

Котлас шаҳридаги спорт залининг болохонаси тушиб кетганлиги натижасида азият чеккан 105 киши шифохонага мурожаат қилди.

* * *

Пхеньянда КХДР раҳбари Ким Чен Ирнинг марҳума онаси Ким Чжон Сук туғилган кунининг 80 йиллиги муносабати билан тантанали мажлис бўлиб ўтди.

МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Афинада Греция, Эрон ва Арманистон давлатлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари юзасидан меморандум имзоланди. Юқорида номлари саналган мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари имзолаган мазкур ҳужжатда транспорт, туризм, энергетика, почта хизмати ва телекоммуникация, технология ҳамда иқтисод соҳаларида ҳамкорлик қилиш ўз аксини топган. Шунингдек, томонлар Тоғли Қорабоғ муаммоси ва Афғонистондаги вазият масалалари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашдилар.

Греция ташқи ишлар вазири Ғарбдаги аксарият мамлакатлар албан ва курд қочоқлари мурожаатидан безовталанаётган бир пайтда Эрон кўплаб афғон қочоқларини бошпана билан таъминлаётгани эътиборга сазовор эканини алоҳида таъкидлади.

БИР АРЧАДА САЛКАМ 2 МИЛЛИОНТА ЛАМПОЧКА

Рио-Де-Жанейронинг Лагоа-Родригу-Ди-Фрейтас кўлида мамлакатдаги энг баланд янги йил арчаси қад кўтарди. Баландлиги 58 метр, айланаси 18 метр бўлган мазкур арчани ёритиш учун 1,8 миллион дона рангли лампочкалар керак бўлди. Кўл атрофидаги 543 дарахтга тортилган рангли осма безаклар учун эса 2,5 миллионга яқин лампочкадан фойдаланилди.

ХАТОСИНИ ТУЗАТДИ

Америка Қўшма Штатларининг собиқ президенти Рональд Рейган муҳим сиёсий анжуман олдидан бир гуруҳ номзодларни тақдирлаш маросимини ўтказарди. Президент кабинетида навқирон ёш кадрлар саф тортиб туришарди. Маросимни интервидение орқали кузатиб ўтирган Брежнев дарҳол сиёсий бюро аъзоларини чақирди ҳамда худди шундай «маросим» уюштириш зарурлигини айтди. Бош котиб хонасига бир гуруҳ мункиллаган чоллар — «қария кадрлар» биринкетин кириб келишди. Орденларни топширгач, Брежнев битта орденни тортмасидан олиб, ўзининг кўксига қадаб қўйди. Кейин ғудраниб деди: — Биз «буржуй»лардан ўрнак олмаймиз, балки хатосини тузатиб қўямиз!

РЕСТОРАНДА ЁНҒИН

Индонезиянинг Бандунг шаҳридаги ресторанларнинг бирида содир бўлган ёнғин натижасида ресторанинг 6 нафар ходими ҳалок бўлди. Шаҳар ёнғиндан сақлаш хизматининг хабарига кўра, керосин сақланадиган ускунанинг портлаб кетиши ёнғинга сабаб бўлган. Шаҳарда юз берган кўплаб ёнғинларга айнан тез алангга олувчи моддалар билан ишлашдаги эътиборсизлик ҳамда ёнғиндан сақланиш қоидаларига риоя қилмаслик сабаб бўлган. Мамлакат шаҳар ва қишлоқларида ҳали ҳам керосинка ва керогаз каби мосламалардан кенг фойдаланилади.

Хотин салтанати

Собиқ СССРнинг бош котиби Михаил Горбачёв Америкада хотини билан сафарда эди. Журналистлар билан учрашувга тараддуд кўраётган давлат раҳбаридан олдин хотини интервью беришини айтди ва отлана бошлади. Бундан жаҳли чиққан Горбачёв хотинини «учрашувдан четлатиши»ни маълум қилди.

— Миша, билиб қўй, революция аёл ҳуқуқини эркак билан тенглаштирган бўлса, сен уни яна бир поғона кўтариб — хотин салтанатига асос солдинг. Сен шу билан тарихда абадий қоласан! — деди қатъий қилиб.

ЖОНЛИ «ЧИРОҚ»

Бу қандай жонзот? Бу қандай кўзлар?

Бу — жонли «чироқ» — лимур. У қалин ўрмон тунларини чироқдек ёритади. Лимур чангалзорлардаги дарахтга осилиб «ухлайди», кўзлари очиқ — «ёнаверади». Худди қўл чироқдек кўзларидан ёруғлик таратади. Уни «жонли чироқча» деб ҳам аташади.

Лимур — Ҳиндистон, Цейлон, Жанубий-Шарқий Осиёнинг ўрмону, чакалакзорларида учрайди. «Тирик чироқча» унча катта эмас, пиёладек келади. Ҳозирги пайтда лимурларни ҳайвонот боғларида ҳам учратиш мумкин.

Мана, бу жажжи жонли ёритгич эса Филадельфиядаги ҳайвонот боғида яшайди. Қовунни жуда яхши кўради.

ҲАСАН ҚОРНИДА ҲУСАН

Эгизаклар ҳаёти ўзгача бўлади. Шифокор доялар Ҳасан билан Ҳусаннинг дунёга келиши чоғида қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлиб қолдилар. Гап шундаки, Ҳасаннинг икки юзи қип-қизил, тийрак бўлса, Ҳусаннинг ранги сўлғин ва сап-сариқ эди. Маълум бўлишича бу эгизаклар она қорнидаги пайтида, Ҳасаннинг юраги бақувватлигидан Ҳусаннинг қонини ҳам ўзига «сўриб» турган экан. Шундай воқеа Мисрда ҳам юз берган. Қоҳирада дунёга келган Ҳасан ўзининг Ҳусан деган укаси ҳам борлигини орадан 16 йил ўтгандан кейин билган. Қизиғи шундаки, балоғат ёшига етган Ҳасаннинг кутилмаганда қорни оғрий бошлаган. Шифокорлар текшириб, унинг қорнида алланечук шиш борлиги ва у жигар билан буйракни эзиб оғритаётганлигини айтишган.

Жарроҳлик аралашувидан кейин шу нарса аён бўлдики Ҳасаннинг қорнида халтасимон суюқлик бўлиб, унинг ичида жонли муртак бор экан. Шифокорлар узунлиги 18 см, оғирлиги 2 кг. келадиган бу жоннинг одамсифат шаклга кираётганлигини кўриб ҳайратда қоладилар. Ҳаммадан аввал бўлажак боланинг тишлари чиқиб бўлибди. Маълум бўлишича, Оллоҳнинг иродаси билан Ҳасаннинг онаси ҳомила кўрган чоғида иккига ажралиши лозим бўлган ҳужайра нотабиий ҳаракатлар оқибатида Ҳасаннинг танасига жойланиб қолган экан. Шу тариқа бўлажак Ҳусан 16 йил мобайнида Ҳасаннинг қорнида «яшаган».



ТУНГИ СОКИНЛИК.

ҚАЧОН ЎЛИШИНИ БИЛГАН ОЛИМ

Ҳозир Нострадамус дейилса ҳамма буюк башоратчи эканини дарров фаҳмлайди. Дарҳақиқат, қарийб беш аср илгари яшаган бу башоратчи ноёб хислат эгаси бўлган. У вақт бўйлаб саёҳат қилиш қобилиятига эга эди. Онги вужудини тарк этиб, ўтмиш ва келажак воқеаларини умумий тарзда яққол тасаввур этиш имкониятига эга бўлган. Шунинг учун ҳам Нострадамус 1557 йилдан 3797 йилгача бўлган давр мобайнида юз бериши мумкин бўлган воқеаларни олдиндан башорат қилди. Башоратчининг Иван Грозний, Петр I, Наполеон, Гитлер, Хиросима фожиаси ҳақидаги башоратлари аниқ чиқди. Бундан ташқари у турли юқумли касалликлар, хусусан СПИДни тарқалишини ҳам олдиндан айтган. Энг қизиғи башоратчи Карден черковига кириш билан муқаддас Марта меҳроби оралиғидаги деворда ўзи учун қабр тайёрлатган. Ўзининг қачон ўлишини яхши билган.

Тайёрлаб қўйилган тобут ичига металл парчасини қуйдириб, унга тегманглар деб тайинлаган. 62 йил, 6 ой, 12 кун умр кўриб, 1566 йили вафот этган. 1700 йили унинг қабрини бузиб кўришса, тобутдаги ўша металл парчасига 1700 йил санаси ўйиб ёзилган экан.

ГЎДАГИНГИЗНИ ТАНИЙСИЗМИ, ОТАСИ?

Дунёда тажриба, синов, рекордларнинг минг бир тури бор. Лекин шундай тажрибалар бўладики, натижасидан «наҳотки?», «ростданми» дея ҳайратимизни яширолмаган кезлар бўлади. Чунки бу ҳодисага кундалик турмушимизда тез-тез дуч келамиз-у, аммо аҳамият бермаймиз, холос.

Яқинда Нью-йорклик тиббиётчилар шундай тажриба ўтказишди. Она гўдагининг ҳатто овозини мингтанинг орасидан таниб олади. Ота-чи? Бироз мавҳумроқ, шундайми? Нью-йорклик мутахассислар кўпчилик оталарга эндигина дунёга келган миттивойларини кўрсатишди: «Болангизни топинг-чи?» Қизиғи шундаки, аксарият оталар гўдакнинг миттигина кафтини «текширишди». Ва аниқ топишди, шу бола менинг зурриётим! Яна бир ҳайратланарли томони 61 фоиз кўзи боғлиқ оталар ҳам чақалоқнинг кафтини силаб, дарҳол ўз фарзандини топиб олишди. «Тажриба»даги 33 фоиз оталар эса бир қарашдаёқ ички бир сезги орқали «мана, болам» деб айта олишган. Шу пайтгача фанга оналарнинг «топиши» маълум бўлса, энди оталар ҳам фанга маълум бўлди.

Тошкент-Термиз катта йўлининг Жомбой тумани теграсида автомобиль ҳалокати юз бериб, ёшгина қиз дунёдан кўз юмди. Туман ички ишлар бўлимининг ходимлари фалокат сабабларини ва мурданинг шахсини тезда аниқлашга муваффақ бўлдилар. Ҳалок бўлган қизнинг онаси олиб келиниб, воқеа тафсилотлари атрофлича сўзлаб берилди. Қишлоқ туманларининг бирида истиқомат қилувчи онадан фақат қонун нуқтаи назаридан қизи ҳақидаги маълумотлар сўралди. Волидаи муҳтараманинг дарди тўлиб-тошган экан. Қизининг қилмишқидирмишлари ҳақида фарёд чекиб сўзлади. Аён бўлдики, Феруза шайтон йўлига кирган. Бойваччалар, суюқоёқ аёллар билан «дўстлашиб», фоҳишабозликни касб қилиб олган. Бу йўлнинг охири жарлик эканини тушунмаган. Уни қайтариш амри маҳол бўлган. Онасининг панд-насиҳатлари, ялиниб-ёлворишлари, қариндош-уруғларнинг маслаҳатлари зое кетган.

Саёқ юрган таёқ

ФЕРУЗА НЕГА КАФАНСИЗ КЎМИЛДИ?

бормай қўйди. Гўё ҳамма унга: "Қизинг бузуқ,уни бу йўлдан қайтар", деятгандек туюларди. Феруза эса ўз билганидан қолмади. "Ёшсан, ўйнаб-кулиб қол",деган фикрдан кечмади. Ниҳоят инсофга келмаган,эсини йиғмаган қизни она бечора ейди,деганларидек инсофга келмаган Феруза барвақт сарғайган куз япроқларидек ҳазонга айланди. Ваҳоланки у бор йўғи 25 баҳорни қаршилаган эди. Мунис она қизининг ёмон йўлга кириб кетаётганлигидан эгилиб қолди. Қариндош уруғлари, ҳамқишлоқлари орасида бош кўтаролмади. Тўй-томоша,айниқса қиз узатишларга дуоибад қилишга мажбур бўлди. У: " Оқ сутимга рози эмасман,ўлсанг ўлигингни итлар есин",деб юборди.

Ривоят қилишларича пайғамбаримиз қабристон ёнидан ўтиб бораётсалар "Онажон,онажон,онажон!" деган ингроқ нидо эшитилаётган эмиш. У киши ҳайрон бўлиб,бандасининг азобланаётганлигини билиш мақсадида янги қабрда ким ётганлигини суриштирибдилар. Маълум бўлишича,қабрда ётган йигит бўлиб,у хотининнинг сўзига кириб,онасини ноҳақ ҳақоратлаган, ва қўл кўтарган. Онаизор эса ўғлини оқ қилган экан. Шунда пайғамбаримиз бу онага таҳорат олиб,қабр олдида намоз ўқишларини сўрабдилар. Тиловат чоғида она ўзи оқ қилган ўғлини танасига ёпишган илону чаёнлар ва бошқа ҳайвонлар азоб бераётганидан огоҳ бўлибди. Пайғамбаримиз эса: "Ўғлим қабрда тинч ётсин десангиз оқ сутингизга рози бўлиб,оқ қилганингиздан қайтинг" деган эканлар...

Ҳа, она бўлиш,фарзанд ўстириш,айниқса қизнинг камолини кўриш осон эмас. Ферузанинг онаси қўлидан келган ҳамма ишни қилди. Лекин Феруза.. Ички ишлар бўлими раҳбарлари онани қизнинг жасадини кўриш,аза очиш ва кўмиш маросимини ўтказишга чорладилар. Она эса қизнинг номини ҳам тилга олишга ор қилишни такрорлаб қўя қолди. Шундай қилиб она бузуқ қизининг ўлигини кўрмади. Кўмиш маросимига розилик бермади. "Ҳар қандай қийноқ ва хўрликка чидайман, лекин фоҳиша қизини тупроққа қўйди,аза очди,кўк кийди", деган маломатларга чидай

Гуноҳ

олмайман,деб туриб олди....

Бир қишлоқ ёхуд маҳалладан ўғри, фоҳиша чиқса барча катта-кичикнинг уятга қолиши табиий. Бундай инсонлар жазога маҳкум қилинади. Шу боис,истиқлолдан истиқбол сари собит одим ташланаётган юртимизда ўткинчи қийинчиликларни рўкач қилиб,вақтинчалик айш-ишратга берилаётган Феруза- сифатларнинг қисмати, тақдири охир оқибати аянчли бўлиши ҳаммамизни хушёр торттирса айни муддао бўлар эди.

Зиёдулла УМАРОВ,
Жомбой тумани ички ишлар бўлими бошлиғи,

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
журналист.

Империя сиёсий разведкаси архивидан

Ҳамдам СОДИКОВ,
тарих фанлари доктори.
Рустам ШАМСУДДИНОВ,
Андижон Давлат университети профессори,
тарих фанлари доктори.
Поён РАВШАНОВ,
Қарши Давлат университети проректори,
профессор.

ЖАДИДЛАР ВА РУС ДЕМОКРАТЛАРИ

Маҳаллий халқларга муносабат масаласида рус инқилобий фирқаларининг олиб бораётган сиёсатини ўрганишга ҳам эътибор қаратилди. Социал-демократларнинг тутган йўли эсерлардан тубдан фарқ қилиши ҳам уларнинг назаридан қочмади. Сиёсий изқуварлар Туркистон ўлкасида марксизм ва инқилобий ғояларни тарғиб этувчи фирқаларнинг ташкил топиши ва фаолияти бўйича ҳужжатлар воситасида шундай манзарани аниқладиларки, Туркистон Бош губернатори Гродеков Империя Ички ишлар вазирига бу ҳақда 1907 йил 18 апрелда йўллаган маҳфий мактубида мана булар ёзган: «Сарой маслаҳатчиси (надворный советник) Квицинскийнинг ўлкага командировка қилиниш тажрибаси шуни яққол кўрсатдики, бу ишда (сиёсий қидирув ишида) энг катта камчилик маҳаллий ҳокимият қўлида у ёки бу йўллар воситасида олинадиган ахборотни жамлайдиган, барча узуқ-юлуқ маълумотларни етук илмий ва малакали асосда тартибга солиб умумлаштирувчи органнинг йўқлигидадир. Жаноб Квицинский, шахсан ўзи ҳеч қандай маълумот тўпламаган бўлса ҳам, бу соҳадаги омилкорлиги ва улкан тажрибаси ҳар кимларнинг қўлидаги чалакам-чатти ахборотлардан моҳирона таҳлил қилиш асосида ўлкадаги инқилобий ташкилотларнинг умумий кўринишини ярата олди. Жаноб Квицинский орқасидан ўлкадаги инқилобий ташкилотлар таркиби ва фаолиятининг аниқ манзарасини ярата олдик».

Генерал-губернатор ички ишлар вазирига йўллаган шу мактубида қуйидагича ғояни илгари суради: «Ушбу тажриба ўлкада табиий равишда ана шундай кузатув органининг доимий бўлиши зарур деган фикрга олиб келади». Гродековнинг бундай ғояси империя ички ишлар вазири ва бош вазир П. А. Столипин томонидан ғоят қизғин қувватланди. 1907 йилнинг ноябрида подполковник Васильев ва полиция маслаҳатчиси Квицинскийнинг ташкил қилган махфий жосуслик тармоғи асосида бевосита марказ — Петербургга хизмат қилувчи рус махфий сиёсий полицияси — Туркистон район муҳофаза бўлими (ТРМБ) ташкил қилинди. У Петербургнинг — «кўзқулоғи» бўлиб хизмат қилди. Рус сиёсий разведка-

5

си ва контрразведкаси вазифасини ҳам адо этувчи махфий полиция Туркистондаги барча тараққийпарвар кучларни аниқлаш, уларнинг сафига иғвогарлар юбориш, халқлар, миллат-элатлар ўртасидаги нифоқни кучайтириш ва миллий-озодлик ҳаракати кўринишларининг барча турларини зудлик билан аниқлаб, ривожланишга йўл қўймаслик, энг муҳими ўлкани руслаштиришга монелик қилувчи барча кучларни зимдан, пинҳон ё ошкора йўқ қилиш учун хизмат қилиши лозим эди. Ана шундай идорага раҳбарлик қилиш изқувар, тажрибали полиция амалдори Леонид Квицинскийга топширилди. Подполковник Васильев эса генерал-губернатор маҳкамасидаги барча сиёсий ёзишмаларнинг мутасаддиси — махсус бўлим бошлиғи вазифасини бажара бошлади.

Квицинский ва Васильев ҳамкорлигида Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатини бўғиб ташлаш, истиқлол учун курашга қодир шахсларни «зарарсизлантириш» режаси ишлаб чиқилди. Шу режани амалга оширишга барча мустамлака арбоблари жалб этилди. Махсус кўрсатмага биноан барча вилоятлар маъмурлари Васильевнинг буйруғига бўйсунишга мажбур эди.

Генерал-губернаторнинг буйруғи билан барча вилоятлар, туманларга қуйидагича йўриқнома юборилди: «Аҳоли ўзининг аввалги мустақиллигини қандай эслайди? Ўша ўтмишда йўқотилган озодлик қўмсаладими? Аҳоли рус маъмуриятига умуман қандай қарайди: ўтган даврга нисбатан беҳурматлик, норозилик пайқаладими? Ерлиларнинг ёш авлоди ўртасида тараққийпарварлик йўналиши борми? Эҳтимоллик назарияси бўйича мана шу ерли ёш авлоддан келажакда нима кутиш мумкин? Босмахона ускуналари ва гектографлар борми? Бўлса улар халққа ахборот ё хитобнома чиқаришга хизмат қиладими?» Ерли аҳолининг кайфияти, фикрий даражасини ўрганиш бўйича маълумотларни тўплашга мўлжалланган йўриқнома 19 саволдан иборат бўлиб, уларга туманбошилар батафсил жавобларини юборишга мажбур эдилар. Бош губернаторнинг кўрсатмаси бўйича туманбошилар, жабҳар (участка) приставлари «ўзларига бўйсундирилган ерли аҳоли устидан доимий назоратни сусайтирмасликлари» ҳамда сиёсий разведка бўйича маълумот йиғишда унинг асл мақсадини «билдирмасликлари, бу ишни эҳтиёткорлик билан, мулоҳаза-идрок билан ва энг яхшиси, шахсан амалга оширишлари лозим», дея, аҳолида уларни жосусликда гумон қилишларига асло йўл қўймаслик уқтирилган эди.

Алоҳида жандармлар корпуси подколковниги Н. А. Васильев ва полиция маслаҳатчиси А. Квицинский ўз фаолиятларини кенг қулоч ёйдиришди. ТРМБ агентураси ўлкадаги социал-демократик ташкилотларни тор-мор қилиб кўплаб одамларни қамоққа олди. 1908 йилда Тошкент турмасининг бир ўзида 500, Скобелевда 300 сиёсий маҳбус сақланган. Самарқанд турмасида эса маҳбуслар кўплигидан, шароит ёмонлигидан тиф эпидемияси тарқалган. Сиёсий жиҳатдан ишончсиз ҳисобланган 400 ишчи Ўрта Осиё темир йўлидан бўшатилиб, 700 га яқин ишчи «қора дафтар»га тиркалди. Миршабларга, тинтувга келганда эшик бир дақиқада очилмаса уни бузиш ҳуқуқи берилди.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

6

РАМАЗОН ВА ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК!

Ватанимиз, борлиғию моҳияти мунавварликдан иборат нурли Ватанимиз,
Олам аро Қуёш юрти деб ном таратган нурафшон Ватанимиз,
Бағри эзгуликларга, хайру саховатларга тўлиқ Ватанимиз,
Тинчлигию хокисорлиги ила улуғ Ватанимиз,
Қуёшлари нонлар ёпган, ойлари кулчалар тутган Ватанимиз,
Қирларида сурувлар яйраган, боғларида булбуллар сайраган сернаво Ватанимиз,
Абадият тимсоллари янглиғ, минорларию чинорлари кўкка озод бўй чўзган Ватанимиз,
Онлар меҳрию оталар шафқати-ла, момолар дуосию боболар суҳбати-ла обод Ватанимиз,
Бағри осмондай кенг, кўкси тоғдай юксак шу камтарин, мўътабар отахонларнинг сиймосию нурли дийдорлари ила янада нурлироқ, янада мунаваррoқдир,
Бул Ватаннинг порлоқ иқболини кўрмай кетганлар қанча, мағрибу машриқда армонлар билан ўтганлар қанча.
Бул Ватаннинг йўллари озод, нурлидир,
Бул Ватаннинг маъвою манзиллари ҳур ва мунаввардир.
Бул Ватан энди озод ва эркин Ватандир, хусни жамолига харгиз кўз тегмасин, бағри мангулик қадар бутун бўлсин!





"ОРИЯТ"
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-47-80, 133-38-55.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қатталқўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи А. ҲАЙДАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 21 523 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0808

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Хандалар

"БЕЛКА"НИ ҚИДИРИБ КЕТГАНМИШ

Шаҳарлик "бойвачча»лардан бирининг "Белка" лақабли кучуги йўқолиб қолди. Итни қидиришга тушган жаноб, уч-тўрт газетага эълон берди. Унда: "Кимда ким олапарни топса 1000 АҚШ доллари мукофотга берилади"-дейилган эди.

Эртасига газета дўконларига борса, эълон берган газеталари сотувда йўқ эмиш. Бундан дарғазаб бўлган бойвачча муҳарририятга борибди. Аксига олиб қоровулдан бошқа ҳеч зот йўқ экан. Хуноби янада ошиб бойвачча:

- Ахир, қани бу журналистлар, нега ҳеч ким йўқ? Газета ҳам чиқмабди?-дея кетма-кет саволлар билан қоровулга юзланибди.

- Мен қайдан билай, ҳаммаси қандайдир бир "Белка" лақабли кучукни қидириб кетди.

«ИЙ-Е-ИЙ-Е» ЎЙНАГАНМИСИЗ?

Сафарга отланган йигит вагонга чиқиб, ўз хонасига кирса кетворган «фаришта» ўтирган эмиш. Аввалига йигит ноқулайлик сезиб, ҳамроҳим «қизиқ» бўлдику, деган хаёлга борибди. Қиз эса бундай ноқулайликнинг олдини олишга уринибди:

— Поезд ҳам юрди, илойим сафаримиз бехатар бўлсин. Иккимиз хамроҳ бўлиб қолибмиз. «Соқов» бўлиб бораверамизми?

— Нима қиламиз бўлмаса, — дебди бироз дудуқланиб йигит.

— «Ий-е-ий-е» ўйнаганмисиз? —дебди қиз.

— Бу-нимаси...

— Жуда осон. Аввал сиз кўзингизни юмиб турасиз. Оч деганимда очасиз, — дебди қиз. Йигит кўзини чирт юмганча жим ўтираверибди. «Кўзингизни очинг», деган ишорадан кейин қараса, қиз арчилган тухумдек, ўтирганмиш.

— «Ий-е... — дебди йигит. Энди навбат бизга дебди қиз кўзини юмаркан. Йигит ҳам шунга яраша ҳаракат қилибди ва яна «Ий-е», дейишибди.

— Энди сиз иккинчи марта кўзингизни юмушингизга тўғри келади, — дебди қиз. Йигит бечора ўтирган эмиш. Ҳеч ким кўзингизни очинг демасмиш. Тоқати тоқ бўлиб, бор-е деган маънода кўзини очса «жонон» йўқ эмиш. Кийим-кечаклари йўқ эмиш. Поезд вокзалга яқинлашиб, ҳаракатини сусайтираётган экан. Қараса, пастда учовлон ҳиндга ўхтаб оппоқ- кийинган ҳолда оҳиста бораётганмиш. Йигит ҳам чаққонгина оппоқ чойшаб билан ўзини ўраб, бояги йигитлар қаторида кетаверибди. Шунда, улардан бири йигитга қараб:

— Хо... ўзлари ҳам «ий-е» ўйнаган эканларда, — дермиш...

Энг энг энг...

КИЧИК ҚУРЪОН

Польшанинг Познань шаҳридаги кутубхонада энг кичик Қуръони Карим сақланмоқда. Оллоҳнинг каломи ўтган асрда босилган бўлиб, бўйи 34, эни 20, қалинлиги эса 12 мм. ҳажмда, холос.

ЭНГ ЕНГИЛ САМОЛЁТ

Венгриянинг Печ шаҳридаги «Паннонов-то» корхонаси мутахассислари энг енгил самолёт яратдилар. Унинг оғирлиги 150 кило бўлиб, соатига 60 км. тезликда учади.

Эргаш МАТҚУРБОНОВ тайёрлади.

ҲАЁТ ДАФТАРИДАН КЎЧИРМАЛАР

Инсон ҳаётда кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлади, кўпини унутади. Минг чиғириғу, қувончлар уни тарк этади. Лекин, энг алам қиладигани, сени виждон азобида қийнаб, қип-қизил ловуллаб турган чўғда куйдирадигани — НОҲАҚЛИК экан.

***

Юрагингизни кўкракдан чиқиб кетадиган даражада «дук-дук»лаб уришига ҳеч бўлмаса бирор марта эътибор берганмисиз?! Ҳижрон қийноғи, интизор тунлар, соф муҳаббат, беғубор орзулар, илк бўсалар ила ваъдалашган бевафо «биринчи муҳаббат»ингизни ногаҳон учратиб қолсангиз бечора юрак шу кўйга тушмасмикан?!

***

Такрорланмас болаликни, навқирон ёшликни эсламайдиган, қўмсамайдиган киши бўлмаса керак, бу дунёда. Ҳа, бундай бебаҳо кезлар инсон ҳаётида бир умрга муҳрланиб қолади. Болалик — юракнинг тозалиги, мисли шабнам мисоли гард юқмаган баҳор томчисидир. Атрофимиздаги баъзи кимсаларнинг юраклари ҳам ана шундай беғубор бўлганда эди...

***

Баъзида тирикчилик дея рўзғорга ҳаром аралашганини сезмай қоламиз. Бепарво, эътиборсиз бўламиз. Билсак ҳам қўл силтаймиз. Харидорни алдаш, ёлғон гапириш, пора эвазига «беминнат» ҳомийлик қилиш, таъмагирлик, мансаб талашиш, кўролмаслик, ичқоралик ҳам тирикчиликмикин?..

Муслим БЕК.

«НОЁБ» ЎГИРМАЛАР

ФУНТ — фақат уни нақдига топасиз.

ЮАН — «юзта»нинг аниқ нархи.

ЛИРА — либос ичидаги рангли атама.

МАРКА — мен аввалари роса «кўк»идан ахтарардим.

ЛАТИ — лабингни асалидан тотайин илҳом-ла.

ЛИТИ — лекин, илтимос тескари интилма.

ДОЛЛАР — дарров олардим, лекин лўлибозордан ахтаришгаям розиман.

КРОНА — кампирнинг ризолигини олсанг, нималигини айтаман.

РУБЛЬ — роса «ургандим» бошим лўққиллаяпти.

ВОН — вақтингни олган номард.

ИЕНА — илтимос, ечгандa нархини айтинг.

СОМ — сен оладиган маҳсулот.

ДРАХМА — дадам рўзғордан, аямдан хабарлашмаса мендами айб?

ФРАНК — фойдасиз режадан албатта натижа кутманг.

ПЕСЕТ — пулинг етса, сен етимларга тарқат.

ЭСКУДО — эсингдами, севгилим, кечқурунлари уйингда доим овқатланардик.

ДИНОР — дастлаб иккаламиз навниҳол орзуларимизни режалаштирардик-ку!

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

АВТОКОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ШАХСИЙ АВТОМОБИЛЬ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«СОВУТГИЧ» ҳиссадорлик жамияти

барча турдаги автомобиллар учун антифризни ва тормоз суюқлигини чекланмаган миқдорда пул ўтказиш йўли билан сотади.

Антифриз ва тормоз суюқлигининг сифати ва ишончлилигига кафолат берилади. Нархи келишилган ҳолда ва бозор баҳосидан арзон!

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани, Саноат зонаси. Обводная кўчаси, «Равшан» ҳиссадорлик жамияти биносида. Телефонлар: (3712) 47-53-45, 47-03-06.

Тошкент Политехника институти томонидан 1982 йилда Л. Г. Шаров номига берилган ДВ № 851429 сонли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ХДП МК Ишлар бошқармаси «Туркистон» меҳмонхонаси директори А. Қурбоновга ўғли **БАҲОДИРЖОН**нинг бевақт вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.